O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 12 апрель, № 71 (4224) Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асосдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари

Сиёсий партия фракцияси сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодларни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

а) Бош вазирнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар етакчи фракциялари қўллаб-қувватласа ҳамда мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимдан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ

(Давоми 2-бетда).

Таълим ва ислоҳот

Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар туфайли ёшларимизда илм олишга, ҳунар эгаллашга бўлган қизиқиш ва қунт тобора ошиб бормоқда.

МАЪРИФАТГА ИНТИЛГАН АВЛОД



Хоҳ марказий шаҳарларда, хоҳ чекка туманлардаги ўқув масканларида маърифатга интилаётган ўғил-қизларни кўриб, қувончинг ичингга сиғмай кетади. Муҳташам коллеж ва лицейлар, мактабларнинг барпо этилиши, уларда ёшларнинг мукаммал сабоқ олиши ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир, албатта.

Фарғона политехника институти қошидаги Ёрмозор академик лицейида ҳам ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари учун барча шароит яратилган. Бу ерда хорижий филология, аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича 679 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Лицей ўқувчиларининг вилоят, республика фан олимпиадаларида эришаётган натижалари мақтовга лойиқ.

— Замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланган фан кабинетлари ёшларнинг пухта билим эгаллашида муҳим ўрин тутмоқда, — дейди лицей директори Офтобхон Шамсутдинова. — Бундан ташқари, 10 мингдан ортиқ китоб фондига эга кутубхонамизда ўқувчилар дарсларда олган билимларини янада мустаҳкамлаш имконига эга.

СУРАТЛАРДА: Ёрмозор академик лицейи ҳаётидан лавҳалар.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ БУГУНГИ АЛОҚАЛАРИ

Дунёда мўъжиза кўп. Айни пайтда инсон тафаккури билан яратилган мўъжизалар саноқлидир. Миср эҳромлари ана шундай етти мўъжизанинг бири ҳисобланади.

Сўзни етти мўъжизадан бошлашдан мурод шуки, аждодлар меросининг бойлиги бобида Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам дунёга кўз-кўз қилгулик обидаларга эга мамлакатлардир. Бир неча аср бурун Самарқанд шаҳрига берилган таъриф ҳар қандай изоҳдан устун: "Самарқанд сайқали рўйи замин аст" ("Самарқанд рўйи замин сайқалидир")!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини араб мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Миср Араб Республикаси тан олган (1991 йил 26 декабрь).

1992 йилнинг декабрида Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Мисрга борди. Мустақил Ўзбекистон раҳбарининг илк хорижий сафари уюштирилган мамлакатлар қаторида Миср ҳам бор. Ушбу ташриф чоғида Президентлар – Ислом Каримов ва Ҳусний Муборак музокара ўтказиб, икки томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги битим, шунингдек, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Кейинчалик турли мақомдаги делегацияларнинг ташрифлари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори такомиллашиб, мустаҳкамланиб борди.

Мисрнинг 1993 йилдан пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган элчихонаси ҳам Ўзбекистонда очилган биринчи араб дипломатик ваколатхонаси ҳисобланади.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида яқинлик кўп жабҳаларда яққол кўзга ташланади. Аввало, буюк аждодларимизнинг ақли ва меҳнати туфайли ўзбек ва араб халқлари маданияти бир-бирига уйғунлашиб кетганини таъкидламоқ жоиз. Боболаримизнинг ўлмас даҳоси, бизга

(Давоми 3-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Пойтахтимизда Унни тўйинтириш бўйича миллий дастур доирасида "Журналистлар учун учинчи миллий мукофот" танловининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ТЎЙИНТИРИЛГАН УН – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган ушбу тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шифокорлар, дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, мазкур лойиҳа мутасаддилари ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари иждодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтининг Анемия маркази раҳбари Д.Сулаймонова, ЮНИСЕФнинг пойтахтимиздаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари А.Шилакадзе ва бошқалар Ўзбекистонда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етиши, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар манфаатларини ҳимоялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган қатор фармон, қарор ва дастурлар бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда кенг имкониятлар очмоқда. Улар орасида Унни тўйинтириш бўйича миллий дастур алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 11 августда қабул қилинган "Унни тўйинтириш бўйича миллий дастур" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда болалар ва хотин-қизлар ўртасида йод ва темир танқислигининг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги лойиҳага асосан мамлакатимиздаги кўплаб ун ишлаб чиқарувчи корхоналар замонавий жиҳоз ва ускуналар, дозаторлар билан таъминланди. Натижада темир, фолий кислотаси, рух ва бошқа зарур витаминлар билан бойитилган ун ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Тадбирда таъкидланганидек, тўйинтирилган ннинг аҳамиятини аҳолига тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Мазкур миллий дастур ижросига бағишланган танловлар бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлардан халқимизни бохабар этишда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Журналистлари иждодий уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда БМТ Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу учинчи танлов эса темир ва йод танқислигини бартараф этишга оид таҳлилий материалларни оммавий ахборот воситаларида янада кўпроқ эълон қилиш орқали мазкур долзарб масалага кенг жамоатчилик эътиборини қаратишга йўналтирилган.

Шу йилнинг 26 октябригача давом этадиган танловда теле, радио, интернет, фотр журналистика, матбуот вакиллари ўз ижодий ишлари билан иштирок этиши мумкин.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ДУНЁ НИГОҲИ

— Ислом маданияти ва цивилизациясини ҳамда ўзбек халқининг тарихий қадриятларини кенг тарғиб этишда муҳим ўрин эгаллайдиган кўҳна мерос — миллий меъморчилик дурдоналарини кўз қорачиғидай сақлаш ва қайта тиклаш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда халқи томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар юксак эътирофга лойиқдир.

Солиҳ Иброҳим Ал-КУВАРИЙ, Қатар давлатининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.

Янги технология шарофати

Шу йилнинг дастлабки чорагида Қўқон шаҳрида телефон кабелларини ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар бирданига камайди. Гап шундаки, шаҳар алоқа тармоғида ўрнатилган «СОКСС-2006» тизими саноқли лаҳзаларда кабель ўғрисининг топиб беради.

■ «СОКСС-2006» «Ўзбектелеком» компанияси қарашли Илмий техника ва маркетинг муаммоларини ўрганиш маркази мутахассислари томонидан яратилган. У кабель линиялари иш фаолиятини мунтазам назорат қилиб туради. Йўналишларда узилишлар, носозликлар содир бўлса, бу ҳақда дарҳол бошқарув пультига сигнал, чора кўрилмаса, овоз чиқариб хабар беради.

Алоқа кабелларини ҳимоя қиладиган бу тизим дастлаб Тошкент шаҳрида синалган эди. Яхши самара бергани учун уни мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида ҳам қўллаш тавсия этилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳам замонавий, ҳам қулай

■ Инсон манфаати, ижтимоий ҳимоя устувор этиб белгиланган мамлакатимизда кишилар саломатлигига ғамхўрлик қилиш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, куни кеча пойтахтимизда яна бир шифо маскани — республика ихтисослашган кўз микрохирургия маркази фойдаланишга топширилди.

Давлат бюджети ва ҳомийлар ҳисобидан қарийб 1 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига тўлиқ қайта таъмирланган ушбу марказда барча қулайликлар яратилган. 128 нафар малакали мутахассислар кўз хасталигига чалинган беморларнинг дардига малҳам бўлмоқда. Марказни энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлиги қувонарлидир.

Ф.САНАЕВ.

Жаҳон полвонлари Термизда беллашади

12-14 апрель кунлари Термиздаги "Алпомиш" марказий стадионида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VIII Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнири ва аёллар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

■ Кеча пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида ана шу нуфузли мусобақа олдидан Кураш халқаро ассоциациясининг навбатдаги ижроқўм йиғилиши ва журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда КХА раҳбарияти, қитъалар кураш конфедерациялар президентлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ижроқўм йиғилишида курашни дунёда ривожлантириш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинди. Таъкидландики, Юртбошимиз раҳнамолигида халқаро спорт тури мақомини олган курашимиз бугун дунёда ўз ўрнига эга бўлди. Ҳозирга келиб, 87 давлатда кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Демак, миллий қадриятимиз — кураш ўзининг халқчиллиги, томошабоплиги билан дунё халқларига манзур бўлмоқда.

Саккизинчи бор ташкил этилаётган халқаро турнирда Польша, Туркия, Греция, Исроил, Франция, Украина, Жанубий Африка Республикаси, Бразилия, Эрон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Янги Зеландия, Марокаш, Макао каби жами 30 га яқин мамлакатдан полвонлар иштирок этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири..

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

7-модда. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари

Назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

8-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 11 апрель
№ ЎРҚ — 88

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президенти вазифаларини аниқ-равшан белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклаш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 4-модда; 1994 йил, №1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 27-модда) қуйидаги тузатишлар киритилсин:

1) **89-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**89-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди»;

2) **93-модданинг 15-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли»;

3) **102-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

2-модда. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 11 апрель
№ ЎРҚ — 89

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги 818–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Бош вазир номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Бош вазир лавозимига номзодларни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Бош вазир номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **4¹-модда** билан тўлдирилсин:

«4¹-модда. Бош вазирни лавозимидан озод этиш

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

а) Бош вазирнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

в) Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар етакчи фракциялари қўллаб-қувватласа ҳамда мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бош вазирнинг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) **2-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

Туман, шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ва тасдиқланади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимлари тегишинча шаҳар, туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳар таркибига кирувчи туманлар бундан мустасно) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органларини тузиш ваколатига эга бўлиб, бу хусусдаги қарор кейинчалик халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимларнинг ваколат муддати – беш йил».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги 337–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 2, 229-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш»;

учинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошиси «палатасининг» деган сўздан кейин «Спикер ўринбосарлигига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **13¹-модда** билан тўлдирилсин:

«13¹-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас»;

3) **14-модданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси»;

еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби қонунда ҳамда Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари сайлаш учун фракция, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради»;

2) **23-модданинг олтинчи қисмидаги** «ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги **25¹-модда** билан тўлдирилсин:

«25¹-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат. Фракцияларнинг блокка бирлашиши

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган фракция парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта фракциялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Фракцияларнинг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини сайлашдан бошланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи билан ўн беш кишидан иборат Оқсоқоллар кенгаши тузилади, мазкур кенгаш ваколатлари Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайлангач тугайди.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси киритади.

Оқсоқоллар кенгаши таркибига: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси; депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган, ёши энг улуғ депутатлар; номзодлари Қонунчилик палатасига сайланган сиёсий партиялар депутатларининг вакиллари; Қонунчилик палатасига сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатларнинг вакиллари киритилади.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Оқсоқоллар кенгаши Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайланган ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони Оқсоқоллар кенгашининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади. Бунда, Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга эканлиги инобатга олинади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Фракциядан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, фракция ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди»;

2) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас»;

3) **9-модданинг**:

бешинчи қисмидаги «ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас»;

4) қуйидаги мазмундаги **9¹-модда** билан тўлдирилсин:

«9¹-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат. Фракцияларнинг блокка бирлашиши

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган фракция парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта фракциялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Фракцияларнинг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда) **18-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан унинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Сенат томонидан тасдиқланган ҳисобланади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Сенатни тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади».

7-модда. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 11 апрель
№ ЎРҚ — 90

ЕХҲТнинг амалдаги раиси М. МОРАТИНОС:

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЕХҲТ УЧУН МУҲИМДИР

Шу йилнинг 12-13 апрель кунлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхел Моратинос расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Қуйида Моратиноснинг Ўзбекистонга расмий ташрифи муносабати билан «Халқ сўзи» газетаси таҳририятига йўллаган мақоласини эълон қилмоқдамиз.

Марказий Осиё ЕХҲТ учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги соғлом иқтисодиёт ва ривожланган фуқаролик жамияти билан бир қаторда, барқарорлик ва самарали бошқарув Евроосиё ва Трансатлантика минтақаларида хавфсизликни таъминлаш учун муҳим ҳаётий омил ҳисобланади.

Шу боис, 56 та давлат, жумладан, Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар ҳам аъзо бўлган, жаҳон хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг катта минтақавий ташкилотнинг раиси сифатида Марказий Осиёда бўлиш мен учун жуда муҳимдир.

1992 йилда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган навқирон мустақил Ўзбекистон, кучли демократик институтлар ва гуллаб-яшнаган жамиятни барпо этиш йўли билан хавфсизликка хизмат қилувчи тегишли масъулиятни зиммасига олди. Шундан буён Ўзбекистоннинг фаол иштироки ташкилотнинг бугунгидек кўпқиррали ва самарали бўлишига ўз ҳиссасини қўшди.

Жорий йилда Испаниянинг ЕХҲТга раислик қилиши муносабати билан, Марказий Осиёга алоҳида эътибор қаратишни ўзимизнинг устувор вазифаларимиз сифатида белгиладик. Ташкилот, бешта аъзоси мен ташриф буюриб турган Марказий Осиё минтақасида жойлашган, аъзомамлакатлар тараққиётининг серқирралигини акс эттиради.

ЕХҲТ қарийб бутун шимолий ярим шарда барқарорлик, демократия ва фаровонликни таъминлаш йўлида фаолият юритмоқда. Ушбу фаолият сиёсий мулоқотлар ва аъзо давлатларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш орқали муштарак мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Ўзбекистон ва Марказий Осиё ушбу муҳим фаолиятнинг асосий қисмидир.

Биз демократик институтлар ва самарали бошқарув ҳамда фаровон ижтимоий ривожланаётган фуқаролик жамиятларини қўллаб-қувватлаш учун биргаликда иш олиб бормоқдамиз. Биз мамлакатлар ўртасида самарали мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган хавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ахборотлар алмашинувини қўллаб-қувватлаймиз. Яна биз иқтисодий фаровонлик ва экологик барқарорлик тарафдоримиз.

Биз бу ишларни ЕХҲТнинг тикланишида тамал тоши бўлган — 1975 йилдаги Хельсинки якунловчи актида ифода этилган ялпи хавфсизлик тамойилларига ишонган ҳолда амалга ошираяпмиз. Ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик соҳалар ва инсон ҳуқуқлари борасидаги хавфсизликни тенг қўллаб-қувватлаган ҳолда биз ҳар куни ЕХҲТ минтақасидаги 1 миллиард одамнинг ҳаёти янада хавфсизроқ бўлишига ҳаракат қиламиз.

Биз бу ишларни сиёсий мулоқотлар олиб бориш ҳамда ЕХҲТнинг жойлардаги 19 та ваколатхонаси фаолияти орқали амалга оширамиз. Биз мамлакатингизнинг ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан самарали ҳамкорлигини юксак баҳолаймиз.

Ўзбекистон ва ЕХҲТ, қарийб ўн беш йил аввал саъй-ҳаракатларимиз бирлашганидан буён, узоқ йўлни босиб ўтди. Олдимизда муҳим вазифалар турибди, биз ЕХҲТ минтақасида яшовчи барча аҳолининг чинакам хавфсизлигини таъминлашдек умумий мақсадимизга эришиш учун янада ижчил фаолият юритишимиз зарур.

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ БУГУНГИ АЛОҚАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қолдирган улкан илмий, маданий ва маънавий мероси халқларимизни бир-бирига боғловчи ришта бўлиб хизмат қилмоқда. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломалар дунё мамлакатларида, жумладан, Мисрда ҳам жуда машҳур.

Ўзбек заминида етишиб чиққан кўплаб буюк алломалар Мисрда ўчмас из қолдирганлар. Дунёдаги энг узун дарё бўлмиш Нил ўтмишда ҳар йили ўзанидан тошиб, соҳилига оби ҳаёт улашган. Лекин айрим тошқинлар экин-тикинни, баъзида ҳатто кўй-қасабаларни ювиб кетган. Дарёнинг сувидан баҳраманд бўлиш ва қулфатини қочириш мақсадида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний бир неча аср муқаддам Нил дарёси сувининг миқёсини ўлчайдиган жиҳоз – устурлоб яратган. У Мисрда сув захираларидан унумли фойдаланишда муҳим ўрин тутиб келган ва ҳозир ҳам ишлатилади.

Ўзбекистон ва Мисрнинг сиёсатида ҳам кўплаб ўхшашликлар кўзга ташланади. Икки мамлакат президентларининг тинчликпарварлик сиёсати боис мамлакатларимизда кўплаб нуфузли халқаро анжуманлар ўтади.Ўзбекистон ва Миср ўз минтақасида етакчи давлатлардан саналади.

Ўзбекистон ва Мисрнинг кўплаб халқаро ҳамда минтақавий муаммоларга қарашлари ҳам ўхшаш. Хусусан, террорчиликка қарши курашда ҳамжиҳатлик билан иш тутиш, унинг нафақат ижрочилари, балки раҳнамолари, молиявий манбаларига барҳам бериш борасида Ўзбекистон ва Миср раҳбарлари ҳамфикр.



Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Миср анъанавий шериклар ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Масалан, сайёҳлик, тўқимачилик, фармацевтика, нефть кимёси, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда икки томон учун манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Лекин ҳамкорликнинг ҳозирги кўрсаткичлари имкониятлар даражасидан анча паст. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3,6 миллион АҚШ долларини ташкил этгани бу фикрни тасдиқлайди.

Жорий йил март ойи бошида Миср халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хоним раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро комиссиясининг бешинчи мажлиси икки томонлама ҳамкорликнинг салоҳиятини ҳамда корхона ва компанияларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишларини яна бир карра намойиш этди. Мажлис якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрга кўплаб турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташиш самолётлари ва Ил-114 йўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабель-ўтказгич маҳсулотлар, турли трансформаторлар, қуёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришилди. Сайёҳлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Миср томони тўқимачилик, фармацевтика, кўнчилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва сайёҳлик борасида сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлигини билдирди. Ушбу соҳаларда бир нечта қўшма лойиҳани амалга оширишга келишиб олинди.

Ўзбекистонда Миср эҳромларига, Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий обидалари ва муқаддас қадамжоларига қизиқиш катта. "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Миср Сайёҳлик вазирлиги ўртасида яқинда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бундан ташқари, икки мамлакатда фольклор-этнографик ансамбларнинг концертлари ва бошқа маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилибди. Самарқандда ўтадиган анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мисрлик хонанда ва созандалар мунтазам қатнашиб келади. Академик доираларнинг қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ва реставрация қилишдаги яқиндан ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Қадим цивилизация бешиклари бўлган икки мамлакат — Ўзбекистон ва Миср узоқ тарихга бориб тақаладиган, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини бугунги кунда ҳам ижчил ривожлантириб бораверади. Бу замон тақозосидир. Унинг замирида анъанавий дўстлик алоқаларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда манфаатлар муштараклиги мужассам.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Махсус амалиёт чоғида

Марокашда террорчиликда гумон қилинган уч кишини қўлга олиш чоғида полиция ходими ҳалок бўлди. Манбада айтилишича, террорчи ўзини-ўзи портлатиб юборган. Бунинг натижасида яна икки полициячи жароҳатланган. Отишмалар чоғида қолган террорчилар йўқ қилинган. Улар 11 мартда Касабланкада амалга оширилган террорчилик хуружига алоқадор деб гумон қилинганди.

Қонун кучга кирди

АҚШ Президенти Украина, Грузия, Албания, Македония ва Хорватиянинг НАТОга киришини қўллаб-қувватловчи қонунни тасдиқлаб, имзо чекди. Бундан олдинроқ АҚШ Конгрессининг икки палатаси ҳам мазкур ҳужжатни қабул қилган эди. Ушбу қонунда мазкур мамлакатларга уларнинг армиясини Шимолий Атлантика альянси талабларига мувофиқлаштириш учун ҳарбий ва молиявий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Жорий йилда ушбу мақсадлар учун 12 миллион доллар ажратилиши режалаштирилаяпти.

Ҳужжат имзоланмаган бўлса-да...

Қатарнинг Доха шаҳрида газ экспорт қилувчи давлатлар энергетика вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Улар газ нархини шакллантириш юзасидан ўзаро фикр алмашишган. Россия айни пайтда жаҳондаги газ нархларини ўрганиш гуруҳига бошчилик қилаяпти. Таҳлилчилар ушбу учрашувни ОПЕКка ўхшаган газ экспорт қилувчи давлатлар уюшмасини тузиш йўлидаги биринчи қадам деб баҳолашмоқда. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Унда айтилишича, агар шундай уюшма тузиладиган бўлса, у газ экспорт қилувчи давлатлар манфаатларини ҳимоя қилади. Энергетика вазирлари ташкилот тузиш имкониятлари ва йўлларини муҳокама этишди. Бироқ конференцияда уюшма тузиш борасида ҳеч бир ҳужжат имзоланмади.

Дўл сабаб



«NASA» «Атлантис» фазо кемаси парвозини яна кечиктирди. Манбада айтилишича, қаттиқ дўл ёғиши оқибатида «Атлантис»нинг ёнилғи бакига жиддий зарар етган. Аслида мазкур космик кемани май ойида учириш режалаштирилганди. Бироқ таъмирлаш ишлари шу йилнинг июнь ойигача чўзилиши мумкин.

«Toshiba»нинг даъвоси

Японияннинг «Toshiba» компанияси 17 та корпорацияни ўзининг патентидан ноқонуний фойдаланаётганликда айблаб чиқди. Компания маъмурияти АҚШ Ташқи савдо қўмитасига даъво шикоятини жўнатди. Мавжуд қонунчиликни бузган компаниялар орасида «Daewoo Electronics America», «Dongguan GVG Digital Technology», «Star Light Electronics» ва бошқа корпорациялар бор. «Toshiba» маълумотларига кўра, ушбу компаниялар DVD технологиялари соҳасидаги янгиликлардан рухсатсиз фойдаланаяпти.

Инспекторлар ташрифи

МАГАТЭнинг икки инспектори Эронга келди. «Рейтер» ахборот агентлигининг мамлакат оммавий ахборот воситалари маълумотларига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, инспекторлар бир неча ядро объектлари, хусусан, Натанзени ҳам бориб кўришади. Расмий Техроннинг баёнотига кўра, мамлакатда уранни бойитиш ишлари бошланган. Бироқ МАГАТЭ Эрон ҳали бунга тайёр эмаслигини билдирмокда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Маҳсулот сертификатланган

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

SiRUBA



ПОД ЗАКАЗ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

Ҳурматли юртдошлар!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК»И

TURON BANK

сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади:

- Туронбанк сўм пластик карточкалари — бу сизнинг электрон ҳамёнингиздир.
- Туронбанк сўм пластик карточкалари эгалари республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга ошириши мумкин.
- Иш ҳақи, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.
- Пластик карточка орқали барча тўловларни, шунингдек, нақд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.
- Туронбанк сўм пластик карточкасидаги қолдиқ суммага, ойма-ой капитализация қилиш ҳисобига йиллик 14 фоиз устама даромад ҳисобланади.

Бундан ташқари, Туронбанк корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига корпоратив пластик карточкаларини таклиф этади. Бунда корхоналар ўзининг вақти ва маблағларини тежаши мумкин.



Корпоратив пластик карточкалар — бу корхонанинг универсал тўлов воситасидир.

- Туронбанк сўм пластик карточкангиз ва омонатингиз бўйича барча маълумотларни сир сақланишига кафолат беради.
- Туронбанк сўм пластик карточкасидаги ва омонатидаги маблағлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Хизматлар лицензияланган.

Маълумот учун телефонлар: 144-01-95, 144-32-52.

«ТУРОНБАНК» СИЗ БИЛАН, СИЗ УЧУН!

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

NBU

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

«Баҳорги» омонатига пул маблағларини қабул қилиш муддати шу йил 1 майгача узайтирилганлигини маълум қилади.

- *Омонат муддати — 1 ой.*
- *Фоиз ставкаси — йиллик 21%.*
- *Фоизлар омонат муддати тугаганидан кейин тўланади.*

Биз жамғармаларини бошқаришни бизга ишониб топширувчилар фаровонлиги учун ўзимизни масъул ҳисоблаймиз.

Хизматлар лицензияланган.

Қўшимча ахборотни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлими/филиалидан олиш мумкин. www.nbu.com

РЕПОРТАЖ

Баъзан телевизорда Антарктида музликлари, Африка чангалзорлари ёки Бразилия ўрмонларидаги ёввойи ҳайвонот олами ҳақидаги қизиқарли лавҳаларга кўзимиз тушади. Уларда ҳикоя қилинадиган шер, йўлбарс ёки оқ айиқларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиш, бу ҳайвонларни ҳеч бўлмаганда бир марта кўриш ҳар бир кишининг орзуси. Мабодо, қоплонни ёхуд бошқа жониворларни яқиндан кўриш истагида бўлсангиз, Африка чўлларига боришингизга ҳожат йўқ. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Тошкент ҳайвонот боғи»га ташриф буюрсангиз бўлгани. Дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган йиртқич ҳайвонлар ва қушлардан тортиб, уларнинг бугунги кунда йўқолиб кетиш арафасида турган ноёб турларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашингиз тайин.



Ҳайвонот боғи:

ҲАЙРАТЛАР ОҒУШИДА



Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ҳайвонот боғи очилди. Йиллар давомида бу ерда йўқолиб кетиш арафасида турган бир неча юзлаб жониворларнинг турларини сақлаб қолиш йўлида катта ишлар қилинди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби бу борада ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, 1994 йили Вазирлар Маҳкамаси қарори билан халқаро талабларга тўла жавоб берадиган замонавий ҳайвонот боғини қуриш бошланди. Бунинг учун Ботаника боғи ёнидан 22,7 гектар ер ажратилди. Бу ерда жаҳоннинг турли минтақаларидан олиб келинган ҳайвонларнинг яшаб кетиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Шу каби саъй-ҳаракатлар тез орада ўз самарасини берди. 1997 йилда Ҳайвонот боғи очилганда жониворларнинг 85 тури парвариш қилинган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 439 тага етди. Бугун бу ерда ҳатто акула, денгиз маржонлари, ноёб океан балиқларини кўриш мумкин.

Боққа ташриф буюрувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Бу ерда улар учун ҳамма қулайликлар яратилган: болалар учун аттракционлар, кафелар, чойхона ишлаб турибди. Салқин ичимликлар савдоси ташкил этилган.

— Боғимизга хорижликлар ҳам тез-тез келиб туришади, — дейди Ҳайвонот боғи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Азиз Ирисметов. — Яқиндагина Франция ва Германиядан бир гуруҳ сайёҳлар ташриф буюришди. Улар акваториумдаги турфа хил балиқлар ва гиёҳларни кўриб, ҳайратларини яшира олмадилар. Улардан бири денгиз маржонини кўрсатиб: «Ҳақиқийсими?» дея иккиланиб сўради. «Албатта» дея жавоб қилдик. «Қойил, — деди у. — Мамлакатингиз денгиздан анча узоқда жойлашган. Шундай бўлса-да, сув дунёсини гўзал қилиб яратганингизга қойил қолиш керак»

— Дунёнинг 82 та ҳайвонот боғи билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз, — дея гапини давом эттиради А.Ирисметов. — Ходимларимиз чет мамлакатлардаги ҳайвонот боғларига бориб-келиб туришибди. Боғимизда йиртқич қушларни боқиш ва уларни кўпайтириш юзасидан илмий ишлар олиб борилмоқда. Натижада Мисрдан олиб келинган илоҳий Ибис қуши ва Жанубий Америкадан келтирилган Анд кондоридан зурриёд олинди. Бундай натижага Ер юзини яна икки жойида — Сан-Диего ва Берлин шаҳарларида эришишган.

Боғни айланиб юрганимизда, кўкаламзор устига боғлаб қўйилган иккита йўлбарс боласига кўзимиз тушди. Болажонлар уларни эркалатиб, ёнида суратга тушмоқда. «Бу хавфли эмасми?» сўраймиз ҳамроҳимиздан.

— Саккиз ойлик бўлмагунча, одамга ҳужум қила олмайди, — дейди А.Ирисметов. — Бу Амур йўлбарсининг боласи. Етти ойлик бўлди.

Йўлбарсларнинг бу тури дунёда атиги 350 та қолган. У бизнинг шароитда тўрттага кўпайганида, хорижий мамлакатлардаги бир неча журналлар бу ҳақда мақолалар эълон қилди.

Жорий йилда «Тошкент ҳайвонот боғи»нинг янги манзилда иш бошлаганига 10 йил тўлади. Боғ жамоаси бу санани катта муваффақиятлар билан қарши олмоқда.

Ҳа, айтганча, бугун бу ерда Евро-Осиё минтақавий ҳайвонот боғи ва акваториумлар уюшмасининг конференцияси бошланади. У 18 апрелга қадар давом этади. Конференцияга дунёнинг 51 та ҳайвонот боғидан делегациялар келиши кутилаяпти. Улар «Тошкент ҳайвонот боғи»да амалга оширилган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишишади, иш тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Мазкур уюшма йиллик конференциясининг айнан Тошкентда ўтказилиши ҳам ўзбек зоологлари эришган муваффақиятларнинг яна бир эътирофи дейиш мумкин.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ХОАТБ «УНИВЕРСАЛБАНК»

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«САХОВАТ» омонати (сақлаш муддати — 1 йил) — йилига ***24 фоиз*** миқдорида устама ҳисобланади. Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар капитализация қилинмайди. Фоизлар омонатчига ҳар 6 ойда бериб борилади.

«КАПИТАЛ» омонати (сақлаш муддати — 6 ой) — йилига ***22 фоиз*** миқдорида устама ҳисобланади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«УНИВЕРСАЛ-КАПИТАЛ» омонати (сақлаш муддати — 3 ой) — йилига ***18 фоиз*** миқдорида устама ҳисобланади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Қуйидаги даромад ҳисоблаб тўланадиган муддатли Депозит (жамғарма) сертификатларини муомалага чиқаради:

3 йилга — йилига 18 фоиз; 1 йилга — йилига 14 фоиз;
2 йилга — йилига 16 фоиз; 3, 6, 9 ва 12 ой муддатга — йилига 12 фоиз.

Банкдаги омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва «Банк сири» қонуни билан муҳофазаланади.
Омонатларни банкнинг Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган бўлимларида жойлаштириш ҳамда олиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: Қўқон шаҳрида 8-37355-2-20-46, 8-37355-3-23-72. Тошкентда 133-70-39, 133-68-37, 136-16-07.

Хизматлар лицензияланган

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, С.Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 176-77-34, 133-02-11.

СЕРБИЯДА ЎЗБЕКЧА НУТҚ

Истеъдодли рассом Маҳмуд Эшонқуловнинг бултур Сербияда бўлиб ўтган анъанавий "Олтин дубулға" танловида ғолиб бўлганини илгари хабар қилган эдик. Ушбу танлов низомига кўра, яқинда ҳамюртимиз дунё карикатурачиларининг бу йилги анжуманида ҳайъат раиси сифатида иштирок этди.

Ифтихор

— Таассуротларим олам жаҳон, — дейди у. — Очиғини айтсам, у ерда бунчалик ҳурмат кўрсатишади деб ўйламагандим. Хорижликларнинг Ўзбекистонга қизиқишларини кўриб, бошим кўкка етди. Танловнинг тақдирлаш маросимида ўзбек тилида сўзлаганим олқишлар билан кутиб олинди.

Эртасига шахсий кўргазмам очилди. Суратларимдан иборат буклетлар чоп этилиб, дунё рассомларига тарқатилди. Кўргазма тақдимотига йиғилган одамларни кўриб, қувонганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетди. Олис мамлакатда шунчалик эътибор қозониш мен учун катта бахт. Шу лаҳзаларда мустақиллик қанчалик улуғ неъмат эканини янада чуқур ҳис қилдим. Агар мамлакатимиз Истиқлолга эришмаганида, мен каби ижодкорларнинг меҳнати ҳеч қачон бунчалик қадр топмас эди.

Дарвоқе, Сербияга сафари олдидан Маҳмуд Эшонқулов яна бир танловда муваффақият қозонди. Туркиянинг Бурса шаҳрида бўлиб ўтган "Жемал Надир" карикатуралар кўргазмасида унинг асарлари иккинчи ўринга лойиқ топилди. Бу ҳамюртимизнинг халқаро танловлардаги қирқ биринчи совринидир.

Қ. ЭШМАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТДА: Маҳмуд Эшонқулов хорижлик ҳамкасблари даврасида.

Шарқона яккакурашнинг каратэ тури билан қизалоқлигидан шуғулланиб келган Мадина Акбаровани спорт юртга танитди.

Спорт

МАДИНА ЯНА ЧЕМПИОН

■ У Наманган шаҳридаги 52-умумтаълим мактабида ўқиб юрган пайтидаёқ мамлакат чемпионати мусобақаларида татамига чиққан эди. 2005 йили Фарғонада ўтган Ўзбекистон кубогида биринчи ўрин соҳиби бўлган каратэчи қиз муваффақиятларини мустаҳкамлаб, ўтган йили Андижонда бўлган мамлакат биринчилигида яна бир олтин медални қўлга киритди.



Яқинда Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуасида бўлиб ўтган навбатдаги Ўзбекистон чемпионатида ҳам Мадинага омад кулиб боқди. У саралаш ўйинларининг барчасида ютуққа эришиб, финалда тошкентлик Дилдора Мадраҳимовани мағлубиятга учратди ва иккинчи бор мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси
«Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 16 апрель куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖда рўйхатга олинган биржа аъзоларининг (брокерлик идоралари брокерларини) навбатдаги мажлиси бўлиб ўтишини маълум қилади. Мажлис иштирокчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. *2006 йил якунлари бўйича биржа аъзоларининг кенгаши ҳисоботи (брокерлар кенгаши раисининг ҳисоботи).*
2. *Брокерлар кенгаши раисини 2007 йилга қайта тасдиқлаш ёки янги кенгаш раисини тайинлаш.*
3. *Брокерларни биржа билан фаолияти давомида келиб чиқаётган масалаларни кўриб чиқиш.*
4. *Тижорат банклари фойдасига кредит операциялари эвазига олинган ва тижорат банклари бошқа мулкларини савдоларга чиқарилиши бўйича биржа аъзолари (брокерлар) томонидан олиб борилган фаолиятни кўриб чиқиш.*
5. *Бошқа ташкилий масалалар.*

Қўшимча маълумотни қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулокот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

Маҳсулот сертификатланган

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия аъзоси

Ҳамро ҲОЖИРАҲМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси собиқ бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими

Ҳамро ҲОЖИРАҲМАТОВАнинг

вафот этганлигини маълум қилиб, марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Доннёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5